

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСКАНДАРОВА ФАРИДА ИСМОИЛОВНА**

**РЕВМАТОИД АРТРИТЛИ БЕМОРЛАРДА ЯЛЛИҒЛАНИШ ОЛДИ  
ЦИТОКИНЛАР ГЕНИ ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ ПРОГНОСТИК  
АҲАМИЯТИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд–2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Искандарова Фарида Исмоиловна**

Ревматоид артритли беморларда яллиғланиш

олди цитокинлар гени полиморфизмининг

прогностик аҳамияти..... 3

**Искандарова Фарида Исмоиловна**

Прогностическая значимость полиморфизма

генов провоспалительных цитокинов

у больных ревматоидным артритом..... 21

**Iskandarova Farida Ismoilovna**

Prognostic significance of proinflammatory

cytokine genes polymorphism in

patients with rheumatoid arthritis..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСКАНДАРОВА ФАРИДА ИСМОИЛОВНА**

**РЕВМАТОИД АРТРИТЛИ БЕМОРЛАРДА ЯЎЛИҒЛАНИШ ОЎДИ  
ЦИТОКИНЛАР ГЕНИ ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ ПРОГНОСТИК  
АҲАМИЯТИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд–2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Tib3020 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шодикүлова Гуландом Зикрияевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаев Акбар Хатамович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Набиева Дилдора Абдумаликовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро Давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024-йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:140100,Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй, СамДТУ 2-сон клиникаси (Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургия маркази), Тел./факс: +99866-233-58-92, +99866-233-79-03; e-mail: [shodikulovagulandom@mail.ru](mailto:shodikulovagulandom@mail.ru)).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18. Тел./факс: +99866-233-30-34.

Диссертация автореферати 2024-йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2024-йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Шамсиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Т. Раббимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Ж.О. Атакулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда, дунёда кенг тарқалганлиги ва генотипик кўринишларининг хилма-хиллиги билан ажралиб турадиган тизимли аутоиммун касалликлар орасида ревматоид артрит (РА) муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...ревматоид артрит катта ёшдаги аҳоли ўртасида 0,8-2% да (аёллар орасида 5% гача), буғим касалликлари кесимида 10% гача учраб, касалланишнинг янги ҳолатларини йиллик миқдори 0,02% ни ташкил қилади...»<sup>1</sup>. Шу сабабли, буғим синдроми мавжуд беморларда аутоиммун касалликлари жумладан РА ни ривожланишини эрта ташхислаш хусусиятларини генетик тадқиқотлар асосида ўрганиш, асоратларни олдини олиш ва камайтириш учун тиббий ёрдамнинг турли босқичларида беморларни олиб бориш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш, тиббиётда ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ревматоид артритнинг патогенетик ривожланиш механизмларида цитокинлар ролини ўрганиш, касалликни эрта ва дифференциал ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, РА ҳамда нодифференциаллашган артритларда (НДА) IL17A G-197A (rs2275913), IL17F His161Arg (rs763780), IL23 G/A (rs11209026) ва TLR2 Arg753Gln (rs5743708) каби цитокин генларининг аллел ва генотипик шакллари тақсимланишини таҳлил қилиш, касалликнинг кечиш оғирлигини шакллантиришда иммуногенетик омилларнинг аҳамиятини баҳолаш, ирсий мойиллигига қараб мақбул даволаш усулларини танлаш ушбу патологияларни башорат қилиш ва эрта ташхислашга қаратилган илмий тадқиқотлар замонавий тиббиётнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш бўйича халқаро стандартлар талабларига мувофиқ иммунологик ва молекуляр генетик диагностика орқали РА ривожланиши ва унинг асоратларини олдини олиш ва камайтириш, этиологияси номаълум бўлган турли тизимли касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва муайян натижалага эришилмоқда. Бу борада ".. аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қуйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, диспансеризация самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни

---

<sup>1</sup>GBD 2019: Global burden of 369 diseases and injuries in 204 countries and territories, 1990–2019: a systematic analysis for the Global Burden of Disease Study 2019.

профилактика қилиш..."<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, РА ва НДА ривожланишида иммунологик фаоллик (РО, ЦПКА, IL-6, TNF- $\alpha$ ) кўрсаткичларини баҳолаш, касалликларни эрта ва дифференциал ташхислаш учун IL17A G-197A (rs2275913), IL17F His161Arg (rs763780), IL23 G/A (rs11209026) ва TLR2 Arg753Gln (rs5743708) генларнинг учраш частотасини ва тарқалиш вариантларини таҳлил қилиш, РА ҳамда НДА нинг ривожланишига мойил ва ҳимоя қилувчи факторларни аниқлаш орқали аҳоли орасида турли хил ревматологик касалликларни тарқалишини ўз вақтида ташхислаш ва даволаш, ногиронлик кўрсаткичсини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистонни 2022-2026-йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хозирги кунда РА ни эрта ташхислаш катта клиник аҳамиятга эга бўлиб, НДАни РАга ўтишини ўз вақтида аниқлаш ва замонавий базис дори воситаларни буюриш касалликнинг умумий прогнозини яхшилашга ёрдам беради (Jilani A.A., Mackworth-Young C.G. A Systematic Literature Review and Meta-Analysis. Int. J. Rheumatol. 2019). Маълумки, РА ривожланишида, биринчи навбатда, индивидуал хусусиятлар ва организмнинг мойиллиги, иккинчидан, РА патогенезида турли хил аутоантитаначалар (РО, ЦПКА), цитокинлар ва синовиал ҳужайраларнинг кўпайишини кўзгатадиган ҳужайраларнинг мураккаб тармоғи, суяклар ва тоғайлар зарарланишида муҳим аҳамиятга эга. Сўнги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Th17 оиласига мансуб IL-17, IL-23 каби бошқа цитокинлар ҳам касаллик патогенезида алоҳида ўрин эгаллайди (Kondo N, Kuroda T, Kobayashi D. 2021). Бўғим касалликларининг умумий тизимида 30% ҳолларда касалликларнинг эрта босқичларида патологик жараён НДА кўринишида намоён бўлади, бу касалликни ўз

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида»

вақтида ташхислашни сезиларли даражада мураккаблаштиради (Chilton F., 2021).

Замонавий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, статистик маълумотларга кўра, РА ташхиси касалликнинг 1-йилида беморларнинг 57,9 % да ташхисланади, қолган хавф гуруҳдаги (НДА) беморлар керакли терапияни олмайдилар. Бир йил ўтгач, ушбу гуруҳдаги беморларнинг 33% га РА ташхиси қўйилади, яъни уларга ўтказиладиган даво чора тадбирлари деярли яна бир йилга кечикади (Волкова М. В. ва бошқ., 2020). Бугунги кунда РА ва НДА ривожланиш иммуногенетик белгиларининг патогенетик аҳамиятини ўрганишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, ушбу патология кузатилган беморларда IL17A G-197A (rs2275913), IL17F His161Arg (rs763780), IL23 G/A (rs11209026) ва TLR2 Arg753Gln (rs5743708) генлари полиморфизми, аллел ва генотипларининг тарқалишини таҳлил қилиниши иммуногенетик омилларнинг касаллик кечишига, касалликнинг клиник ва биокимёвий намоеън бўлишига, генларнинг активлик ҳолатига кўра киёсий таҳлил қилиниши касалликни эрта ташхислашда муҳим нуқта ҳисобланади (Насонов Е.Л. ва бошқ., 2022). Ревматоид артритда иммунитет реакциясини тартибга солишда иштирок этувчи цитокин генларининг ўзаро таъсирини тасдиқловчи ишончли тадқиқот натижалари мавжуд (Петров В.С., 2019).

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда чоп этилган адабиётларда РА бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилганлиги ҳақида айтилади. Улар асосан, касалликнинг айрим жиҳатларини кўрсатади. Буларга қуйидагилар киради: РА кечишида гаптоглобиннинг генетик фенотипларининг роли ва даволаш самарадорлиги (Шодиқулова Г.З., 2021); ташқи иқлим ва экологик омиллар таъсирида РАнинг ўзига хос кечиши (Ахмедов Х.С., 2017); РАни даволашда гастро-нефропатия ривожланишининг патогенетик муаммолари (Усманова Ш.Э., 2018); MDR1 ген полиморфизмининг ўзига хос клиник роли ва касалликни даволаш самарадорлиги (Абдурахманова Н.М., 2019); ревматоид артрит билан касалланган беморларда иммуногенетик маркерларни ҳисобга олган ҳолда ташхислаш ва даволашни муқобиллаштириш (Эшмурзаева А.А., 2022.) шулар жумласидандир. Бироқ, юқоридаги адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики IL17A G-197A (rs2275913), IL17F His161Arg (rs763780), IL23 G/A (rs11209026) ва TLR2 Arg753Gln (rs5743708) цитокинларининг полиморф генларининг аллел ҳамда генотипик шакллари ташишга қараб ўрганилмаган.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасининг асосий вазифаларидан бири бўлган, терапевтик амалиётда РА билан оғриган беморларни эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштириш, НДА ни РА га ўтишини ўз вақтида аниқлаш, ушбу гуруҳ беморларда иммунологик ва генетик омилларини ўрганиш орқали РАда учрайдиган асоратларни олдини олиш учун муҳимдир. Юқорида айтилганларга асосланиб, РАни эрта ташхислаш, клиник, лаборатор ва иммуногенетик

кўринишларининг хусусиятларини ўрганиш, даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни бажариш имконини беради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт университетининг № 01980006703-сонли «Замонавий диагностика, даволаш ва профилактика усуллари ишлаб чиқиш» (2020-2023) илмий-тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** ревматоид артрит ва нодифференциаллашган артрит билан касалланган беморларда яллиғланиш олди цитокинлар гени полиморфизминини ўрганиш натижасида касалликни эрта ташхислаш ва кечишини прогнозлаш мезонларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

РА ва НДА билан оғриган беморларда клиник (DAS28, ВАШ), лаборатор ва инструментал кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

РА ва НДА билан оғриган беморларда яллиғланиш олди цитокинлар даражасини ўрганиш (TNF- $\alpha$  ва IL-6) ва уларнинг касаллик фаоллигидаги ўрнини аниқлаш;

РА ва НДА билан оғриган беморларда IL17A G-197A (rs2275913), IL17F His161Arg (rs763780), IL23 G/A (rs11209026) ва TLR2 Arg753Gln (rs5743708) генлари полиморфизмининг прогностик аҳамиятини ўрганиш;

клиник, лаборатор ва генетик хусусиятларни таҳлил қилиш асосида НДА билан касалланган беморларда РА ривожланиши ва кечишини прогнозлаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида СамДТУ кўп тармоқли клиникаси ревматология бўлимида РА ва НДА ташхиси билан даволанган 103 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни умумий клиник, лаборатор, биокимёвий тадқиқот усуллари ҳамда молекуляр-генетик таҳлиллар учун зарур бўлган беморларнинг веноз қони ва унинг зардоби ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор, иммунологик (РО, ЦПҚА, IL-6, TNF- $\alpha$ ), молекуляр генетик (IL17A G-197A (rs2275913), IL17F His161Arg (rs763780), IL23G/A (rs11209026) ва TLR2 Arg753Gln (rs5743708)), функционал, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ревматоид артритда НДА билан оғриган беморларга нисбатан DAS28, ВАШ ( $P < 0,001$ ) бўйича юқори фаоллик, РО, СРО, ЦПҚА ( $P < 0,001$ ) миқдорини ошиши аниқланган ва бу мезонлар РА касаллигини оғирроқ кечишини исботлаган;

РА ва НДА билан оғриган беморларда TNF- $\alpha$ , IL-6 ва касалликнинг давомийлиги, ВАШ, DAS28, ЭЧТ, РО, СРО, фибриноген, ЦПҚА ўртасида юқори тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланган ( $r = 0,761-0,977$ ) ва булар

касаллик фаоллигини баҳолаш учун прогностик маркер сифатида қўлланилиши асосланган;

илк бор ревматоид артрит билан оғриган беморларда TLR2 Arg753Gln (rs5743708) генининг Arg/Gln генотиби, IL17F His161Arg (rs763780) генининг гомозиготали мутант His/His генотиби, ҳамда IL23G/A (rs11209026) гетерозиготали G/A генотиби ташувчиларида РА ривожланиш хавфи юқори эканлиги исботланган;

нодифференциаллашган артрит билан касалланганларда IL17A G-197A (rs2275913) генининг A аллели учраш частотаси юқорилиги аниқланган ва ушбу гуруҳ беморлари учун диагностик мезон сифатида қўлланилиши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

нодифференциаллашган артрит билан оғриган беморларда ревматоид артрит ривожланиш хавфи, унинг клиник-лаборатор хусусиятлари аниқланган ва эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

ревматоид артрит билан оғриган беморларда клиникадан олдинги ўзгаришларни ҳисоблаш учун компьютер дастури ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган;

ревматоид артрит ва нодифференциаллашган артритда IL17A G-197A (rs2275913), IL17F His161Arg (rs763780), IL23G/A (rs11209026) ва TLR2 Arg753Gln (rs5743708) генлари полиморфизмининг текширув натижаларига қўра, ушбу касалликлар ривожланишига мойил ва химоя қилувчи генетик омиллар харитаси тузилган;

ревматоид артрит ва нодифференциаллашган артритда ACR/EULAR мезонларига мувофиқ дастлабки баллар йиғиндиси паст ёки ўртача бўлса ҳам, касалликни эрта ташхислаш учун иммунологик (РО, ЦПҚА, IL-6, TNF- $\alpha$ ) текширувлар ўтказилиши тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллари асосида нодифференциаллашган артрит кузатилган беморларда ревматоид артрит ривожланишини эрта ташхислаш ва прогнозлашга қаратилган чора тадбирларнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ревматоид артрит ва нодифференциаллашган артрит патогенезида кўпроқ аҳамиятга эга бўлган цитокинлар (IL17A G-197A (rs2275913), IL17F His161Arg (rs763780), IL23 G/A (rs11209026) ва TLR2 Arg753Gln (rs5743708)) гени полиморфизмини

Ўрганиш орқали касаллик ривожланишига мойиллик ҳамда химоя қилувчи генетик омилларни аниқлаш, ҳамда касалликларни иммунологик фаоллиги (РО, ЦПҚА, IL-6, TNF- $\alpha$ ) орасида боғлиқликни ўз вақтида баҳолаш натижасида асоратларини олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ревматоид артрит ва нодифференциаллашган артритнинг клиник ва лаборатор-инструментал ҳолатини баҳолаш, НДА билан оғриган беморларда РА ривожланишини башорат қилиш ҳамда ирсий мойилликни ўрганиш натижасида касалликни эрта ташхислаш, унинг оқибатини яхшилаш ва ногиронлик даражасини пасайтириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Илмий тадқиқот натижалари Самарқанд вилояти шаҳар тиббиёт бирлашмасида 14.05.2024 йил 1241-7-107-ТВ/2024-сонли буйруқ ҳамда Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 2024 йил 5 сентябрдаги 78-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

РА ва НДА билан оғриган беморларда клиник ўзига хос хусусиятлар аниқланган ва эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган. Ушбу беморларда касалликни эрта ташхислашни такомиллаштириш, профилактик чора-тадбирларни оптималлаштириш орқали уларнинг ҳаёт сифати яхшиланган, касаллик асоратлари учраш частотаси камайтирилган ва тиббий ёрдам сифатини оширишга эришилган.

НДА билан оғриган беморларда РА ривожланишини башоратлаш сифатини яхшиланган учун IL17A G-197A (rs2275913), IL17F His161Arg (rs763780), IL23 G/A (rs11209026) ва TLR2 Arg753Gln (rs5743708) генлари полиморфизмининг таҳлил қилиш орқали беморларининг генетик мойиллигини ўрганиш ва клиник-лаборатор кўрсаткичлар орасида боғлиқликни белгилаш натижасида касаллик ривожланиши ва кечиши даражасини ўз вақтида аниқлаш ва асоратларини олдини олишга, ҳамда ногиронлик даражасини пасайтиришга имкон берган.

Касалликни эрта ташхислаш натижасида асоратлар сони камайтирилган ва стационарда даволаш ётоқ куни 2 кунга қисқарганлиги ва даволашга кетадиган умумий сарф харажатни камайтириш 1 нафар бемор учун 2 кун ҳисобида 454 000 сўм давлат бюджети маблағларини иқтисод қилиш имконини берган.

РА нинг НДА босқичларида ташхислаш учун иммунологик (РО, ЦПҚА, IL-6, TNF- $\alpha$ ), генетик текширишлар ўтказилиши, касалликни кечишини олдиндан башорат қилишга эришиш, асоратларнинг учраш частотасини камайтириши билан изоҳланади. Бу ўз навбатида беморларни амбулатор мурожаатлари сонини камайтиришига, оилавий поликлиникага 1 кунлик қатнов учун 40 000 сўм сарфланса, 10 нафар РА беморларга қатнов учун оилавий поликлиникада хизмат кўрсатиш умумий 400 000 сўм бюджет маблағларини иқтисод қилишга эришилган.

«Ревматоид артритли беморларда яллиғланиш олди цитокинлар гени полиморфизмининг прогностик аҳамияти» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича маълумотлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/59-сонли хулосасида ёритилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 6 та мақола, улардан 4 та республика ва 2 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрта асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари баён этилган, объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишини Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“РА ҳақида замонавий тасаввурлар. Нодифференциациялашган артрит тушунчалари”** ҳақида касаллик тарқалиши, ривожланишининг этиологик омиллари ва касаллик шаклланишининг патогенетик механизмлари тўғрисида замонавий ғоялар келтирилган. Бундан ташқари, РА ва НДА нинг ривожланиши ва кечишида цитокин генлари ва “Toll”га ўхшаш рецепторларнинг роли батафсил келтирилган. Шу билан бирга, РА ривожланишида генетик омилларнинг иштироки ва ҳиссасини баҳолаш бўйича мавжуд тадқиқотлар натижалари аниқ характерга эга эмаслиги кўрсатилган. Шу муносабат билан клиник, лаборатор ва иммуногенетик омилларнинг иштирокини ҳар томонлама баҳолашнинг муҳимлиги ва зарурлиги, НДА босқичида РА ривожланишининг генетик башоратчиларини ўрганиш аниқлиги маълум булди. Ушбу мураккаб муаммони илмий ҳал қилишга индивидуал ёндашув ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида яъни **“Материаллар ва тадқиқот усуллари. Ревматоид артрит билан касалланган беморларнинг хусусиятлари”**да беморларда клиник материалнинг умумий хусусиятлари, лаборатор, иммунологик, молекуляр-генетик ва инструментал тадқиқот усуллари ҳақида маълумот киритилган. Тадқиқотимизда 103 нафар бемор иштирок этган. Барча текширилган беморлар қуйидаги гуруҳларга ажратилди: I гуруҳ 53 бемордан иборат бўлиб,  $48,45 \pm 10,46$  ёш—10 (18,9%) эркак ва 43 (81,1%) аёлларни ташкил этди; ушбу гуруҳ беморлари ACR/EULAR (2010) мезонларига мувофиқ ревматоид артрит ташхиси қўйилган. Касалликнинг давомийлиги ушбу гуруҳда ўртача  $71,22 \pm 28,37$  ойни ташкил этган. II гуруҳга, текширув вақтида бўғимларда яллиғланиш белгилари мавжуд, ammo РА ташхиси қўйишда ACR/EULAR (2010) мезонларига мувофиқ равишда етарлича белгилари бўлмаган НДА ташхисли беморлар киритилди. Ушбу гуруҳ мос равишда 50 нафар бемордан иборат бўлиб, 2 (4,0%) эркак ва 48 (96,0%) аёл, уларнинг ўртачаёши  $44,2 \pm 12,25$ ни ташкил этди. Касалликнинг давомийлиги эса ўртача  $3,9 \pm 2,06$  ойни ташкил этди; назорат гуруҳи РА ва ДА билан оғриган беморлар билан жинси ва ёши бўйича таққосланадиган деярли соғлом шахслардан ( $n=20$ ) иборат бўлган (жадвал 1).

## Тадқиқотга киритилган беморларнинг умумий хусусиятлари.

Кўрсаткичлар		I гуруҳ – РА, (n=53)	I гуруҳ – НДА, ( n=50)	Назорат гуруҳи, (n=20 соғлом)
Бемор ёши		48,45±10,46	44,2±12,25	41,85±10,11
Жинси	эркак	10 (18,9%)	2 (4,0%)	2 (10%)
	аёл	43 (81,1%)	48 (96%)	18 (90%)
Касаллик давомийлиги (ой)		71,22±28,37	3,9±2,06	–

Тадқиқотда клиник, инструментал, лаборатор, иммунологик, молекуляр генетик ва статистик усулдан фойдаланилган. Клиник тадқиқотлар шикоятлар тафсилотлари, анамнестик маълумотлар ва умумий тиббий кўриклардан иборат бўлди. Инструментал тадқиқотлар рўйхатига бўғимлар рентгенографияси киритилган. Лаборатор тадқиқотлари эса, умумий кон таҳлили (Hg ва ЭЧТ концентрацияси), ревматологик тестлар (РО, СРО, АСЛО, фибриноген), иммунологик параметрлар (ЦПКА, IL-6, TNF- $\alpha$ ) кўрсаткичларини баҳолашдан ташкил топган.


Молекуляр генетик тадқиқотлар Республика ихтисослаштирилган гематология ва трансфузиология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон Республикаси, Тошкент) тиббий генетика лабораториясида ўтказилди ва стандарт ПЗРдан фойдаланган ҳолда цитокин генлари (IL17A G-197A (rs2275913), IL17F His161Arg (rs763780), IL23 G/A (rs11209026) ва TLR2 Arg753Gln (rs5743708)) вариантларини аниқлаш ва кейинчалик рестрикцион фрагмент узунликлари полиморфизми таҳлили (РОУП) ПЗРда (бирламчи денатурация (1 цикл) 1 дақиқа давомидаги 94<sup>0</sup>С ҳароратда; 10 сония давомидаги денатурацияни ўз ичига оладиган 35 цикл агарли гелида электрофорез усулида амплификацияланган фрагментларнинг миқдорини ва спецификлигини текшириш; кейин киритилмаган нуклеотидлардан тозалаш ва генетик анализатор 3130 (Applied Biosystems, АҚШ)да капилляр электрофорез ўтказилди. Генларнинг нуклеотид кетма-кетлиги «Олиго v. 6. 31» (Molecular Biology Insights Inc., АҚШ) ўтказилди ва НПФ «Литех» (Россия)да таҳлил қилинди. Олинган натижаларни математик таҳлил қилиш «OpenEpi 2009, Version 2.3» дастурлари ёрдамида амалга оширилди.

Ўрганилаётган гуруҳлар орасидаги генотиплар частотасидаги фарқларни баҳолаш учун аниқ Фишер мезони қўлланилди. Текширув гуруҳлардаги генотипик тақсимотларнинг мослиги Харди-Вайнберг мувозанатига мувофиқ

« $\chi^2$ » тести ёрдамида аниқланди. Шу билан бирга, гуруҳлар ўртасидаги аҳамиятли фарқлар  $p < 0,05$  кийматида муҳим ҳисобланган.


Диссертациянинг «Ревматоид артрит ва нодифференциаллашган артритнинг фенотипик кўринишларининг хусусиятлари» номли учинчи бобида беморларнинг лаборатор, инструментал ва иммунологик текширув натижалари баён этилган. РА ва НДАнинг энг муҳим ва ўзига хос белгиларининг қиёсий тавсифи 1-жадвалда келтирилган. Жадвалда кўрсатилгандек, касалликнинг давомийлиги, ФС ва ВАШ бўйича оғрик интенсивлиги НДА кузатилган беморларга нисбатан РА билан оғриган беморларда юқори кўрсаткичларда намоён бўлган ( $p < 0.001$ ). DAS28 индексига кўра касаллик фаоллиги, эрталабки қарахтлик давомийлиги ҳам I гуруҳ беморларида II гуруҳга нисбатан юқори бўлган, аммо фарқ унчалик аҳамиятли эмас ( $p < 0,01$ ).

Инструментал диагностик мезонлар ҳам I гуруҳ беморларида бўғимлар нисбатан оғирроқ ва салбий зарарланганлигини кўшимча равишда тасдиқлади ( $p < 0.001$ ).



**1-расм.** Асосий клиник ва инструментал кўрсаткичларнинг солиштирув гуруҳларда қиёсий таҳлили

Ревматоид артрит ва нодифференциаллашган артритнинг асосий лаборатор параметрларининг қиёсий тавсифи 2-расмда келтирилган. Текширув вақтида асосий гуруҳ беморларида Hg ва ЭЧТ даражасида сезиларли фарқлар бўлмаган ( $p > 0,5$ ;  $p > 0,1$ ). РО ва ЦПҚА даражаси ўрганилганда, унинг титри РА билан оғриган беморларда НДА беморларига нисбатан юқорилик аниқланди ( $p < 0,001$ ). СРО ва фибриноген даражаси ҳам I гуруҳ беморлари орасида анча юқори курсаткични ташкил қилди ( $p < 0.001$ ). АСЛО миқдори эса аксинча, II гуруҳ беморлари орасида юқори эди ( $p < 0.001$ ).



**2-расм.** Солиштирув гуруҳларида асосий лаборатор кўрсаткичларнинг қийёсий таҳлили

Касаллик кечиши жараёнида цитокинларнинг ҳолатини аниқлаш учун асосий яллиғланиш олди IL-6 ва TNF-α цитокинларининг ўзаро корреляцион боғлиқлиги таҳлил қилинди. Биз РА ва НДА билан оғриган беморларда ўтказилган ўзаро боғлиқлик тадқиқотлари асосида якуний корреляция жадвалини (2,3-жадвал) туздик.

Жадвалдаги маълумотларга асосан, РА билан касалланган беморлар орасида TNF-α, IL-6 цитокинлари ҳамда касаллик давомийлиги, ВАШ, DAS28, Hg, ЭЧТ, СРО, Фибриноген, АСЛО, ЦПҚА кўрсаткичлари ўртасида тўғридан-тўғри корреляцион қарамлилик кучи юқорилиги, шу билан бир қаторда, TNF-α, IL-6 ва РО ўртасида эса корреляциянинг кучи жуда юқори эканлиги аниқланди.

**2-жадвал.**

**РА билан оғриган беморларда ўрганилган кўрсаткичларнинг корреляцион матрицаси(r).**

Кўрсаткич	TNF-α	ИЛ-6
	I гуруҳ (n=53)	
Касаллик давомийлиги (ой)	0,867*	0,863*
ФК	0,608*	0,613*
ВАШ	0,761*	0,763*
DAS28	0,772*	0,779*
Эрталабки котишиш	0,447	0,449
Рентгенологик босқич	0,610*	0,621*
Hg	0,770*	0,743*
ЭЧТ	0,818*	0,805*
РО	0,912*	0,904*
СРО	0,846*	0,843*
Фибриноген	0,820*	0,843*
АСЛО	0,821*	0,852*

ЦПҚА	0,863*	0,885*
------	--------	--------

**Изоҳ:** гуруҳлар кўрсаткичларидаги фарқларнинг ишончилиги -\* -  $p < 0,001$ , \*\* -  $p < 0,01$ , \*\*\* -  $p > 0,1$ , \*\*\*\* -  $p > 0,5$ .

Шунингдек, НДА билан оғриган беморлар гуруҳида TNF- $\alpha$  ва касаллик давомийлиги, ВАШ, DAS28, Hg, ЭЧТ, СРО, фибриноген, АСЛО, ЦПҚА ўртасида тўғридан-тўғри корреляциянинг юқори кучи қайд этилди; TNF- $\alpha$  ва РО ўртасидаги тўғридан-тўғри корреляциянинг жуда юқори кучи эса TNF- $\alpha$  нинг НДАнинг кечиши ва активлик даражасининг диагностик маркёри деб ҳисоблашда аҳамиятлилиги аниқланди.

Олинган натижаларга асосланиб, кўрсаткичларнинг чегара қийматларини олиш учун ROC таҳлили (Receiver operating characteristic curve) орқали тадқиқот ўтказилди. TNF- $\alpha$ , IL-6 цитокинларининг аниқлашнинг сезувчанлик ва ўзига хослиги ўртасидаги муносабатни визуал равишда ифодалаш учун РА ва НДА билан оғриган беморларда ROC эгри чизиғи қурилди.

### 3-жадвал.

#### НДА билан оғриган беморларда ўрганилган кўрсаткичларнинг корреляцион матрицаси(r).

Кўрсаткич	TNF- $\alpha$	IL-6
	I гуруҳ (n=50)	
Касаллик давомийлиги (ой)	0,962*	0,940*
ФК	0,823*	0,722*
ВАШ	0,943*	0,847*
DAS28	0,882*	0,756*
Эрталабки карахтлик	0,839*	0,656*
Рентгенологик босқич	0,871*	0,778*
Hg	0,930*	0,982*
ЭЧТ	0,977*	0,953*
РО	0,896*	0,967*
СРО	0,907*	0,886*
Фибриноген	0,979*	0,844*
АСЛО	0,721*	0,879*
ЦПҚА	0,970*	0,910*

**Изоҳ:** гуруҳлар кўрсаткичларидаги фарқларнинг ишончилиги -\* -  $p < 0,001$ , \*\* -  $p < 0,01$ , \*\*\* -  $p > 0,1$ , \*\*\*\* -  $p > 0,5$ .

РА ва НДА диагностикасида цитокин кўрсаткичларининг диагностик аҳамиятини аниқлаш учун ўтказилган ROC-эгрилигини таҳлил қилишшуни кўрсатдикки (4-жадвал), РА да юқори сезувчанлик ва нисбатан юқори ўзига хослик TNF- $\alpha \geq 33,9$  пг/мл, IL-6  $\geq 12,8$  пг/мл миқдорида аҳамиятга эга бўлди.

4-жадвал.

**Цитокин профили ва гуморал иммунитет параметрларининг якуний ROC таҳлили жадвали**

№	Кўрсаткич	Диагностик аҳамияти	AUC	Сезувчанлик (%)	Ўзига хослик (%)
1	TNF- $\alpha$ (пг/мл)	$\geq 33,9$	0,733	71,7	61,4
2	IL-6 (пг/мл)	$\geq 12,8$	0,814	75,5	70,0

Шундай қилиб, юқоридаги барча параметрларда AUC майдонининг белгиланган юқори қиймати РА диагностикасида ушбу цитокин параметрларини аниқлашнинг юқори диагностик аҳамиятини исботлайди.

5-жадвал.

**Солиштирма гуруҳ беморлари орасида TNF- $\alpha$ , IL-6 диагностик диапазонларининг қиёсий хусусиятлари**

Кўрсаткич	1 гр (n=53)		2 гр (n=50)		$\chi^2$	P	OR	CI 95% min	CI 95% max
	абс.	%	абс.	%					
TNF- $\alpha$ $\geq 33,9$ (пг/мл)	38	71,7	26	52,0	4,24	0,039	2,34	1,03	5,29
IL-6 $\geq 12,8$ (пг/мл)	40	75,5	21	42,0	11,94	0,001	4,25	1,83	9,85

*Изоҳ:*  $\chi^2$ , P – Пирсон мезонига мувофиқ таққослаш гуруҳларидаги кўрсаткичлар фарқларнинг шончилиги

РА, НДАни ташҳислашда цитокин кўрсаткичларининг диагностик аҳамияти аниқлангандан сўнг, I-II гуруҳ беморларида TNF- $\alpha$ , IL-6 кўрсаткичларини қиёсий ўрганиш ўтказилди (5-жадвал).

РА билан оғриган беморларда TNF- $\alpha$   $\geq 33,9$  ( $\chi^2=4,24$ ; P=0,039; OR=2,34; CI 95%: 1,03-5,29) ва IL-6  $\geq 12,8$  ( $\chi^2=11,94$ ; P=0,001; OR=4,25; CI 95%: 1,83-9,85) цитокинлари учраш частотаси сезиларли даражада юқори бўлган ва бу ўз навбатида РА ва НДА беморлари орасида юқори диагностик аниқлик ва ўзига хосликни исботлайди.

Тўртинчи бобда "Ревматоид артрит ва нодифференциациялашган артритнинг генетик белгиларини тавсифлаш" TLR2 Arg753Gln (rs5743708), IL17A G-197A (rs2275913), IL17F His161Arg (rs763780) ва IL23 G/A (rs11209026) генларининг полиморфизми тасвирланган (жадвал 6).

Жадвал 6

**TLR2 Arg753Gln (rs5743708), IL17A G-197A (rs2275913), IL17F His161Arg (rs763780) ва IL23 G/A (rs11209026) генлар полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг таққослаш гуруҳларида тарқалишининг қиёсий хусусиятлари**

TLR2 Arg753Gln (rs5743708)									
Кўрсаткич	1 гр (n=53)		2 гр (n=50)		$\chi^2$	P	OR	CI 95% min	CI 95% max
	абс.	%	абс.	%					
Arg	76	71,7	70	70,0	0,07	0,789	1,09	0,60	1,98

<b>Gln</b>	30	28,3	30	30,0	0,07	0,789	0,92	0,50	1,68
<b>Arg/Arg</b>	25	47,2	28	56,0	0,80	0,370	0,70	0,32	1,52
<b>Arg/Gln</b>	26	49,0	14	28,0	4,80	0,028	2,48	1,09	5,62
<b>Gln/Gln</b>	2	3,8	8	16,0	4,39	0,036	0,21	0,04	1,02
<b>IL17A G-197A (rs2275913)</b>									
<b>G</b>	78	73,6	67	67,0	1,07	0,301	1,37	0,75	2,50
<b>A</b>	28	26,4	33	33,0	1,07	0,301	0,73	0,40	1,33
<b>G/G</b>	30	56,6	24	48,0	0,76	0,382	1,41	0,65	3,07
<b>G/A</b>	18	34,0	19	38,0	0,18	0,669	0,84	0,37	1,88
<b>A/A</b>	5	9,4	7	14,0	0,52	0,470	0,64	0,19	2,17
<b>IL17F His161Arg (rs763780)</b>									
<b>His</b>	91	85,8	62	62,0	15,32	<0,001	3,72	1,89	7,33
<b>Arg</b>	15	14,2	38	38,0	15,32	<0,001	0,27	0,14	0,53
<b>His/His</b>	40	75,5	20	40,0	13,31	<0,001	4,62	1,99	10,73
<b>His/Arg</b>	11	20,8	12	24,0	0,16	0,693	0,83	0,33	2,10
<b>Arg/Arg</b>	2	3,7	18	36,0	17,08	<0,001	0,07	0,02	0,32
<b>IL23 G/A (rs11209026)</b>									
<b>G</b>	72	67,9	52	52,0	5,45	0,020	1,95	1,11	3,44
<b>A</b>	34	32,1	48	48,0	5,45	0,020	0,51	0,29	0,90
<b>G/G</b>	25	47,2	18	36,0	1,32	0,251	1,59	0,72	3,50
<b>G/A</b>	22	41,5	16	32,0	1,00	0,317	1,51	0,67	3,38
<b>A/A</b>	6	11,3	16	32,0	6,55	0,010	0,27	0,10	0,77

**Изоҳ:**  $\chi^2$ ,  $P$  – Пирсон мезонига мувофиқ таққослаш гуруҳларидаги кўрсаткичлар фарқларнинг ишончлилиги

РА ва НДА билан оғриган беморларда TLR2 Arg753Gln (rs5743708) полиморфизмини солиштирганда, текширилган беморларда Arg ( $p=0,789$ ; OR=1,09;), Gln ( $p=0,789$ ; OR =0,92) аллеллари частотасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар йўқлигини кўрсатди. Бироқ, аллелларнинг тақсимланишидаги ўхшашликка қарамай, генотиплар тарқалиш частотасида сезиларли фарқлар мавжуд эди, шундай қилиб РА билан оғриган беморларда гетерозигот Arg/Gln полиморфизми 2-гуруҳга нисбатан ( $p=0,028$ ; OR =2,48) кўпроқ кузатилди, Gln/Gln гомозигот генотиби эса ( $p=0.036$ ; OR =0.21) камроқ кузатилди.


РА ва НДА билан оғриган беморларда IL17A G-197A (rs2275913) гени полиморфизмини ўрганиш шуни кўрсатдики, текширилган беморларда G ( $P=0,301$ ; OR=1,37) ва A ( $P=0,301$ ;OR=0,73) аллелларининг частотасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар йўқ. Аллелларнинг тарқалишидаги ўхшашлик генотип тарқалиш частотасига ҳам таъсир кўрсатди, шундай қилиб РА билан оғриган беморларда G/G полиморфизмининг гомозигот тури кўпроқ аниқланди, лекин 2-гуруҳга нисбатан статистик фарқлар йўқ эди ( $P=0,382$ ; OR=1,41), шунга ўхшаш вазият G/A ( $P=0,669$ ; OR=0,84;) ва A/A ( $P=0,470$ ; OR=0,64) генотиплари қиёсий таҳлилида қайд этилди.

РА ва НДА билан оғриган беморларда IL17F His161Arg (rs763780) гени полиморфизмининг қиёсий хусусиятлари текширилган беморларда аллеллар частотасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар кузатилган, шундай қилиб I гуруҳ беморларида II гуруҳга нисбатан His аллели сезиларли даражада кенг

( $P < 0,001$ ;  $OR = 3,72$ ) ва Arg аллели сезиларли даражада кам тарқалган ( $P < 0,001$ ;  $OR = 0,27$ ). Ўхшаш фарқлар генотиплар тарқалиш частотасида ҳам кузатилган, шундай қилиб РА билан оғриган беморларда His/His гомозигот тури II гуруҳга нисбатан кўпроқ кузатилган ( $P < 0,001$ ;  $OR = 4,62$ ), Arg/Arg гомозигот генотиби эса НДА билан оғриган беморларда кўпроқ кузатилган ( $P < 0,001$ ;  $OR = 0,07$ ).

РА ва НДА билан оғриган беморларда IL23 G/A (rs11209026) гени полиморфизмини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, текширилган беморларда аллеллар частотасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар бор эди, шундай қилиб I гуруҳ беморларида II гуруҳга нисбатан G аллели сезиларли даражада кенг ( $P = 0,020$ ;  $OR = 1,95$ ) ва A аллели сезиларли даражада кам тарқалган ( $P = 0,020$ ;  $OR = 0,51$ ). Шунга ўхшаш фарқлар генотип тарқалиш частотасида ҳам кузатилган, шундай қилиб I – гуруҳ беморларда G/G гомозигот генотиби ( $P = 0,251$ ;  $OR = 1,59$ ) ва гетерозигот G/A ( $P = 0,317$ ;  $OR = 1,5$ ) генотиби II гуруҳга нисбатан кўпроқ учраши кузатилган, лекин статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар кузатилмаган. Шу билан бирга, НДА билан оғриган беморларда A/A гомозигот генотиби тарқалиши кўпроқ кузатилган ( $P = 0,010$ ;  $OR = 0,27$ ).

Шунингдек, биз НДА касаллигининг бошқа касалликка трансформациясини ACR/EULAR (2010) мезонлари асосида касаллик бошланганидан 12 ой ўтгач амалга оширдик. Олинган натижаларга кўра энг куп фоизда НДАнинг РАга (48%) трансформацияси кузатилди. Реактив артрит (РеА) – 28%, спондилоартрит (СПА) – 6%, 8% – холатда касаллик ремиссияси ва 10% холатда тузалиш холати кузатилди (Расм 3).



*3-расм. Нодифференциалланган артритнинг 12 ойдан сўнг трансформацияси натижалари.*

НДАни РАга трансформациясида ушбу беморларда TLR2 генининг гетерозигот генотиби Arg/Gln, IL17A генининг A аллели, IL17F генининг

His/His генотиби, IL23R генининг G аллели Г генотиби энг кенг тарқалганлиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида РА касаллигининг ривожланувчи омили сифатида қаралади.

I ва II гуруҳ беморлар орасида ўтказилган кенг қамровли тадқиқотлар натижасида, етарли даражада маълумотлилик даражасига эга бўлган омиллар асосида РА ва НДАни дифференциаллаш шкаласи ишлаб чиқилди (7-жадвал).

Тадқиқот ўтказилган беморлар гуруҳларида диагностик мезон бўлиб,  $\chi^2 > 3,86$ ,  $OR > 1,5$ , ДИ пастки чегараси  $95\% > 1,01$  ва  $P < 0,05$  кўрсаткичида ишончли аҳамиятга эга бўлган 12 та омил танланди. Танланган омил қуйидаги қийматларга қараб тартибланди:  $OR$  1,5 дан 3,0 оралиғида бўлса 1 баллга тенг,  $OR$  3,01 дан 5,0 гача - 2 баллга,  $OR$  5,01 дан 10 гача - 3 баллга,  $OR > 10$  бўлса - 4 баллга тенг, максимал балл қиймати эса 31 баллга етиши мумкинлиги аниқланди.

**Жадвал 7**

**НДА ва РА дифференциаллаш шкаласи**

№	Киригиш мезонлари	OR	Баллар
1.	ФС III босқич	136,50	4
2.	Полиартрит	8,17	3
3.	Касалликнинг III рентгенологик босқичи	95,28	4
4.	Ревматоид тугунчалар	12,01	4
5.	Полинейропатия	5,62	3
6.	Тери васкулити	4,10	2
7.	TNF- $\alpha$ $\geq 33,9$ (пг/мл)	2,34	1
8.	IL-6 $\geq 12,8$ (пг/мл)	4,25	2
9.	TLR2 гени Arg/Gln генотиби	2,48	1
10.	IL17F гени His аллели	3,72	2
11.	IL17F гени His/His генотиби	4,62	2
12.	IL 23R гени G аллели	1,95	1
Балларнинг максимал қиймати:		31	

Шкаладан фойдаланиш учун тақдим этилган 12 мезонининг ҳар бири баҳоланади, сўнгра олинган баллар умумлаштирилади ва натижалар беморларни кузатиш бўйича хулоса ва тавсияларга мувофиқ талқин қилинади (8-жадвал). Шкаладан фойдаланиш РА ни эрта ташхислаш, НДАнинг РАга трансформациясининг сонини камайтириш имконини беради, бу эса ўз навбатида ижобий томонга, яъни ҳаёт сифатининг яхшиланишига, ногиронлик даражасининг пасайишига олиб келади.

## НДА ва РА дифференциаллаш шкаласи интерпретацияси

Баллар миқдори	Хулоса
0-5 балл	Нодифференциаллашган артритнинг ревматоид артритга трансформацияси паст хавфи
6-10 балл	Нодифференциаллашган артритнинг ревматоид артритга трансформацияси ўртача хавфи
11-15 балл	Нодифференциаллашган артритнинг ревматоид артритга трансформацияси юқори хавфи
> 15 балл	Нодифференциаллашган артритнинг ревматоид артритга трансформацияси жуда юқори хавфи

## ХУЛОСАЛАР

Ўтказилган тадқиқотлар асосида тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун: **"Ревматоид артритли беморларда яллиғланиш олди цитокинлар гени полиморфизмининг прогностик аҳамияти"** номли диссертацияда қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилган:

1. Тадқиқотда аниқландики, РАда НДАга қараганда DAS28 индекси, ВАШ шкаласи ( $P < 0,001$ ), РО, СРО, фибриноген, ЦПҚА ( $P < 0,001$ ;  $P < 0,01$ ) бўйича касалликнинг юқори фаоллиги намоён бўлди ва бу ўз навбатида касалликнинг РАда оғирроқ кечишини исботлайди.

2. Ревматоид артритни ташхислашда юқори сезувчанлик ( $Se=71,7-75,5\%$ ) ва ўзига хослик ( $Sp=61,4-70,0\%$ ) билан TNF- $\alpha$  ( $\geq 33,9$ пг/мл) ва IL-6 ( $\geq 12,8$ пг/мл) даражалари аниқланди. РА ва НДА билан оғриган беморларда TNF- $\alpha$ , IL-6 цитокинлари ва DAS28, ВАШ, ЭЧТ, РО, СРО, фибриноген, ЦПҚА орасида тўғридан-тўғри юқори корреляция аниқланди ( $r=0,761-0,977$ ;  $P < 0,05$ ).

3. Ўтказилган молекуляр генетик текширув натижасида TLR2 Arg753Gln (rs5743708) гени Arg/Gln гетерозигот генотиби ( $OR=2,48$ ); IL17F His161Arg (rs763780) гени His аллели ( $OR=3,72$ ) ва His/His гомозигот генотиби ( $OR=4,62$ ); IL23 G/A (rs11209026) гени G аллели ( $OR=1,95$ ) ревматоид артрит ривожланишига кўпроқ мойил бўлган омил сифатида белгиланди.

4. Ревматоид артрит ва нодифференциаллашган артрит ривожланмаслиги учун ҳимоя қилувчи омил сифатида TLR2 Arg753Gln (rs5743708) гени Arg/Arg ва Gln/Gln гомозигот генотиби; IL17A G-197A (rs2275913) гени G аллели ва G/G гомозигот генотиби; IL17F His161Arg (rs763780) гени Arg аллели, Arg/Arg гомозигот генотиби ва His/Arg гетерозигот генотиби; IL 23 G/A (rs11209026) гени A аллели, A/A гомозигот генотиби аниқланди.

5. Клиник, иммунологик ва генетик текширувларга асосланиб, касалликларни эрта ташхислаш ва ривожланишининг олдини олишга имкон берадиган РА ва НДА дифференциаллаш шкаласи ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01 ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ИСКАНДАРОВА ФАРИДА ИСМОИЛОВНА**

**ПРОГНОСТИЧЕСКАЯ ЗНАЧИМОСТЬ ПОЛИМОРФИЗМА ГЕНОВ  
ПРОВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ ЦИТОКИНОВ У БОЛЬНЫХ  
РЕВМАТОИДНЫМ АРТРИТОМ**

**14.00.05 – Внутренние болезни**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд-2024**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций за № В2022.3.PhD/Tib3020.**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Шодиккулова Гуландом Зикрияевна</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Абдуллаев Акбар Хатамович</b> доктор медицинских наук, профессор <b>Набиева Дилдора Абдумаликовна</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Бухарский Государственный медицинский институт</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 при Самаркандском государственном медицинском университете. (Адрес: 140100, г. Самарканд, улица М.Улугбека, дом 70 А, СамГМУ клиника №2 (Многопрофильный специализированный центр детской хирургии) Тел./факс: (+99866) 233-58-92,+99866-233-79-03; e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского Государственного медицинского университета (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_). Адрес: 140100, г. Самарканд, улица Амира Темура, дом 18 Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 года.

(протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024года).

**А.М. Шамсиев**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.Т. Раббимова**

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

**Ж.О. Атакулов**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день среди актуальных проблем ревматических заболеваний, отличающийся широким распространением и разнообразием генотипических проявлений проблема ревматоидного артрита (РА) занимает ведущее место. По данным Всемирной организации здравоохранения «...ревматоидный артрит встречается у 0,8-2% взрослого населения (среди женщин до 5%), распространенность в сегменте заболеваний суставов доходит до 10%; ежегодное число новых случаев заболевания составляет 0,02%...»<sup>3</sup>. Поэтому ранняя диагностика аутоиммунных заболеваний в частности развитие РА у больных с суставным синдромом на основании генетических исследований, введение больных на различных этапах медицинской помощи с целью профилактики и уменьшения осложнений, разработка методов лечения, относятся к числу задач, требующих решения в медицине.

В мире проводится ряд научных исследований, направленных на изучение роли цитокинов в патогенетических механизмах развития РА, ранней и дифференциальной диагностики заболевания, усовершенствование методов лечения и профилактики заболевания. В связи с этим, у больных РА и НДА является актуальным анализ распределения аллелей и генотипов генов цитокинов, таких как IL17A G-197A (rs2275913), IL17F His161Arg (rs763780), IL23 G/A (rs11209026) и TLR2 Arg753Gln (rs5743708), оценка значения иммуногенетических факторов в формировании тяжести течения заболевания, подбор оптимальных методов лечения с учетом генетической предрасположенности, приобретает особое значение для проведения научных исследований, направленных на прогнозирование и диагностики заболевания на ранних этапах его формирования.

В нашей стране в соответствии с требованиями международных стандартов развития медицинской сферы посредством иммунологической и молекулярно-генетической диагностики проводятся комплексные мероприятия, направленные на профилактику и снижение риска развития РА и его осложнений, распространения различных системных заболеваний неизвестной этиологии, и достигаются определенные результаты. В связи с этим «..повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи, оказываемой населению в нашей стране, а также формирование системы медицинской стандартизации, создание эффективных моделей диспансеризации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики, лечения и профилактики заболеваний, а также поддержка здорового образа

---

<sup>3</sup> [GBD 2019: Global burden of 369 diseases and injuries in 204 countries and territories, 1990–2019: a systematic analysis for the Global Burden of Disease Study 2019.](#)

жизни.."4 внесены такие виды задач. Исходя этих задач для определения распространенности различных ревматологических заболеваний среди населения, выявляемое в результате своевременной диагностики и лечения, выявления предрасполагающих и протективных факторов развития РА и НДА, была проведена оценка показателей иммунологической активности (РФ, АЦЦП, IL-6, TNF- $\alpha$ ), путем анализа частоты встречаемости и вариантов распространения генов IL17A G-197A (rs2275913), IL17F His161Arg (rs763780), IL23 G/A (rs11209026) и TLR2 Arg753Gln (rs5743708) позволяет снизить уровень инвалидности и улучшить качество жизни.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указами Президента Республики Узбекистан за № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», № УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», Постановлением №ПП-5199 от 29 июля 2021 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы оказания специализированной медицинской помощи в сфере здравоохранения», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с VI «Медицина и фармакология» приоритетным направлением развития науки и технологий Республики.

